



келтириш мақсадга мувофиқдир: "Қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ташаббуси — бу Ўзбекистонда амалдаги оширилган ислохотлар дастурининг муҳим, ҳал қилувчи қисмидир ва моҳиятига кўра, "Ўзбек модели" самарадорлиги ва изчилилигининг амалдаги яна бир тасдиғидир. Ушбу модель макроекономик ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш билан бир қаторда, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, мувозанатли иқтисодий тараққиётга эришиш мақсадларини ўзда мужассам этган".

этилса ва улардан бири бизники бўлса", дея орзу қилгандик, — дейди когонлик Мавлуда Тешаева. — Ниятимиз ҳолис экан, кўп вақт ўтмай, шундоқ энимиздаги "Шўрбод" массивида намунавий уй-жойлар қад ростлай бошлади. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилдик. "Қишлоқ қурилиш банк" мутасаддилари қўлимизга шартнома варақасини тутқазиди. Бугун, мана, янги тўрт хонали уйда маза қилиб яшаймиз. Хоналари кенг, ёруғ, шинам. Деразалари

пайта маҳалла маркази, эллик нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилаётган тикувчилик корхонаси, замонавий новвойхона, ресторани ишлаб турибди. Фарзандларимиз ўқитган 16-умумтаълим мактаби ҳам маҳалламиз яқинида жойлашган.

Ҳаммасидан ҳам, уйимиз болаларбоп. Касбим шифокор бўлгани учун, биламанки, боланинг яшаш шароити яхши бўлса, касалликка чалинмайди, соғлом вояга етади. Бизга ўхшаган ёш оилалар ҳамда фарзандларимизга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига минг бор раҳмат!

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, "Қачон оила бахтли бўлади? Қачонки, аёл бахтли бўлса. Қачон аёл бахтли бўлади? Авваламбор, унинг болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғ-омон бўлса. Қачон аёл ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса". Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари эса миллионлаб аёлларимиз, умуман, бутун халқимизнинг ҳар томонлама тўқис ва фаровон турмуш кечирishi учун хизмат қилаётгани билан аҳамиятга моликдир.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ.

хабарлар

Янгиликлар, воқеалар,

■ Жорий йилда мирзаободлик Баҳодир Арипов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги Украина ва Беларусь Республикаси сингари давлатларга 26 тонна беда уругини экспорт қилди.

Кўп тармоқли хўжалик

Хўжалик тасарруфидидаги 40 гектарлик майдоннинг ҳар гектаридан 600-700 килограммгача тўйимли озука уруғлиги олинади. Бу ерда етиштирилаётган уруғлиқнинг унвудининг юқорилиги боис хорижлик хариддорлар талаби тобора ортиб бормоқда.

— Беда уруғчилигинидан ташқари, пахтачилик, галлчилик ва чор-

вачилик билан шугулланамиз, — дейди Баҳодир Арипов. — Шунингдек, хўжалигимиз қошида транспорт хизмати ҳам ташкил этганмиз. Иккита "Исузу" автобусимиз унвудинингдан Янгийер шаҳридаги коллежларга қатнайдиغان ўқувчилар хизматида.

Аҳмадли ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Обод турмуш йилида пойтахт вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари идораларининг 30 га яқини янги бинога кўчиб ўтган бўлса, 200 дан ортиги энг илгор компьютер, маиший техника воситалари ва мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Маҳалланинг кўркам биноси

Хусусан, Қибрай туманидаги Салар шаҳарчасида "Исломобод" маҳалла фуқаролар йиғини учун кўркам ва замонавий бино қуриб битказилди. Мазкур иншоот, асосан, ҳашар йўли билан барпо этилиб, бу ерда қисқа муддатда 70 миллион сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу орқали жамоат тузилмаси фаолияти яхшиланishi баробарида, аҳоли учун ҳам бекиёс қулайлик яратилди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Пастдарғом туманилик Фурқат Бозоров доимо янгиликка интилиб яшайди. Яқинда у қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов берувчи митти қурилма яратди.

Митти қурилма

Ихтиронинг афзал хатлари шундаки, мазкур култивация механизми атиги 12 вольт электр энергияси ёрдамида ҳаракатланади.

Шу билан бирга, экиш сеялқалари уруғларни агротехника талаблари асо-

сида ерга қадайд. Гарчи Фурқат Бозоровнинг бу техника катта ҳажмдаги ерга ишлов беришга мўлжалланмаган бўлса-да, ундан аҳоли томонларида бемаъл фойдаланиш мумкин.

Мамадиёр ЗИЎДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Богот туманидаги чорвачиликка ихтисослаштирилган "Толиб-Акмал" фермер хўжалиги раҳбари Хушнуд Ражабов ташаббуси билан гўшт ва сутни қайта ишлашга мўлжалланган янги технологик линиялар ишга туширилди.

Замонавий технология асосида

Бунинг учун 320 миллион сўм йўналтирилди. Натижада кунига 500 литр сут ва 2 тонна гўштни қайта ишлаш қуввати яратилиб, 12 нафар йиғит-қиз иш билан таъминланди. Фермер келгусида ўз цехида қайта ишланган хом ашёнинг асосий қисмини хўжаликнинг ўзида етиштиришни ният қилган.

Этиборлиси, жорий йилнинг ўтган даврида Хоразмда 9 та шундай лойиҳа рўёбга чиқарилиб, вилоят бўйича қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхоналар сони 84 тага етди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Нурота туманида Навоий кон-металлургия комбинати ҳомийлигида маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги мажмуа ишга тушди

Бунёдкорлик ишларига 295 миллион сўм сарфланди. Ҳозир мажмуада гўзаллик ва тўй либослари саломи, компьютер ҳамда тикувчилик хоналари, маиший техника устахоналари ишлаб турибди. Буларнинг барчаси

ҳодимлар ва мижозлар учун янада қулайлик яратмоқда.

Бундан ташқари, хайрли ташаббус натижасида 20 кишининг бандлиги таъминланди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Уй меҳнатининг барча шакллари, жумладан, касаначиликни ривожлантириш оилалар фаровонлигига хизмат қилаяпти.

Даромад манбаи

Жорий йилнинг тўққиз ойида Бухоро вилоятида айнан шу йўналишда 15 минг 442 та иш ўрни яратилди. Бунда тадбиркорларнинг хиссаси катта бўлди.

Вобқентлик Аҳмад Раҳматов ана шундай ишбилармонлардан бири. У уч йил аввал 200 миллион сўм эвазига ўз бизнес лойиҳасини амалга ошириб, касаначилик асосида саккизта иш ўрни яратган эди. Яқинда тадбиркор фаолиятини кенгайтириб, кўрпа-ёстиқ жилдлари ҳамда спорт либослари тикишни йўлга қўйди. Натижада у раҳбарлик қилаётган корхонада касаначилар сони ўттиз нафардан ошди. Бу ерда тайёрланаётган махсулотлар сифатли ва нисбатан арзонлиги билан буюртмачиларга маъқул бўлапти.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ҚУРИЛИШ МАЙДОНИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунинг исботи тариқасида жорий йилнинг апрель ойида пойтахтимизда ушбу мавзуга



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

бағишлаб ўтказилган халқаро конференцияда Исломобод қишлоқ қурилиш ва мувоза- натли иқтисодий тараққиётга эришиш мақсадларини ўзда мужассам этган".

— Бундан бир неча йил аввал қишлоқ жойларда янги уйлар қурилаётганини эшитиб, "Қани эди, биз томонларда ҳам шундай тураржойлар барпо

офтоба қараган. Пишиқ гиштдан тикланганлиги боис қишда иссиқ, ёзда салқин. Ҳовлисини айтмайсизми?! Айвон, гулзор, автомашинага мўлжалланган алоҳида ҳудуд — барчаси қишлоқ одамларининг турмуши ипидан игнасиғача назарда тутилган ҳолда барпо этилган.

Дарвоқе, маҳалламизнинг номи ҳам исми-жисмига монанд: Истиқбол. Бу — эртаси бугунгидан-да гўзал бўлади, демакдир. Чунки бу ҳудудда ҳозиргача 94 та замонавий уй-жой қад ростлаган бўлса, келгусида яна 50 та уй қурилиши мўлжалланаётган экан. Айни

ДАВРА СУХБАТИ

Пойтахтимиздаги "Grand Mir" меҳмонхонасида "Барқарор тараққиёт масалаларида таълим. Ахборот аспекти" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Экологик масалалар ва таълим

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда экологик таълимни ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Экологик таълимнинг илгор педагогика ва ахборот технологиялари асосида, умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган фанлар билан уй-ғун ҳолда олиб борилиши ўқувчи-ёшларнинг экологик маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бу жараёнда таълимнинг барча бўғинлари, жумладан, мактабларда ихтиомий ва табиий фанлар мазмунига экологик таълимнинг долзарб масалалари ва уларнинг ечимларини татиқ этиш, мактабдан ташқари таълим муассасаларида тегишли тўғарақлар ташкил қилиш ҳамда уларга ёшларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Давра суҳбатида ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, узлуксиз экологик таълимни йўлга қўйиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, экологик таълимнинг ҳуқуқий асослари, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ёшларда экологик дунёқарашни шакллантиришда таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар ва балдаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришга оид "Турғун органик ифлослантирувчи моддалар: мониторинг ва бошқарув" номли ўқув дастури тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

О. ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Экспорт — иқтисодий салоҳият кўзгуси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, 277 корхонага 26,6 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги минитехнология ва ихчам ускуналарни харид қилишида яқиндан ёрдам берилди. Маҳаллий корхоналар жалб этилган ҳолда, 33 марта кооперация биржаси ўтказилгани эса кичик бизнес вакилларининг ташқи бозорга чиқиш, хорижий ҳамкорлар топиш имкониятини кенгайтирди. Ушбу тадбирлар доирасида 93 та корхона 76,3 миллион АҚШ долларлик экспорт амалиёти-ни бажаргани бунинг яққол далилидир.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил қилинган "Ўзтадбиркорэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, улар ишлаб чиқараётган махсулотларнинг чет эл бозорларида харидорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар, уларнинг самараси ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Самд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРУП

Бугунги кунда ҳаётимиз тобора фаровонлашиб бораётди. Айниқса, поёнига етаётган Обод турмуш йилида амалга оширилган улкан ишлар барчамизнинг кўнглимиздаги орзу-ниятларни рўёбга чиқариб, янада фойдодорлик билан меҳнат қилишга ундамоқда. Буларнинг бари юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осудалик самараси, албатта.

Юксак ишонч масъулияти

Мен ҳам давлатимиз томонидан яратиб берилган имконияту имтиёزلардан фойдаланиб, қишлоқ мулкдорлари сафига қўшилганман. Ҳозир туманимиздаги энг ёш фермерман. Мақтанишга йўлманган-у, ютуқларимиз кўп. Пахтачилик, галлчилик ва чорвачилиқдан ташқари, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш тармоғини ҳам шакллантирдик. Қараган, бу йўлда янгилишлар экан- миз. Кичик корхонамизда

бир кеча-кундузда 500 килограмм гўштни қайта ишлаяпмиз. Бир гектарлик сунъий ҳавзада балиқчиликни, шунингдек, туманимизда биринчи бўлиб туячиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Ҳозир туяларимиз сони 50 бошга етди. Улардан олинган сут ва жун махсулотлари ички бозорда жуда харидорлиқ.

Конституциямизнинг 21 йиллик тантанаси оиламиз учун ҳақиқий кўшалоқ байрам бўлди. Негаки, шодиё-

на арафасида Президентимизнинг "Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни муқофотлаш тўғрисида"ги Фармони билан тақдирландим. Бу — юксак ишонч. Уни оқлаш учун эса эл-юрт равнақи йўлида бор куч-имкониятларимни ишга соламан.

Хуршид РАҲМОНОВ, Қизилтепа туманидаги «Кубаро Дияр» фермер хўжалиги раҳбари, «Шухрат» медали соҳиби.

Муқобил энергия истиқболи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу қурилмадан фойдаланишни оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, "Ихлос Бизнес Барака" ҳамда "Olmaliq metall Konstruktziya" корхоналари билан ҳамкорликда биогаз ва биоўғит қурилмаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун шартнома имзоланди. Мазкур тўрт томонлама тузилган ҳужжатга мувофиқ, "Olmaliq metall Konstruktziya" корхонасида биогаз қурилмаси ишлаб чиқарилди.

Муҳими, мазкур инновацион лойиҳа технологияга айланиб, бу эса энергияни тежаш ва муқобил энергия ресурсларини маҳаллий шароитда қўллаш мумкинлиги исботланди. Ушбу қурилмани тадбиркорлар иссиқхонада, гишт заводидида, уй-жой хўжалигини иситиш тизимида, электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш учун буюртма беришлари мумкин.

Маълумки, чорва гўнги атроф-муҳитни ифлослантиради. Бундан ташқари, гўн чириши давомида атмосферага кўп миқдорда метан ва бошқа газлар ажралиб чиқади. Бу муаммони ҳал этишнинг самарали, экологик соф йўналиши гўн ва чиқиндиларни анаэробик қайта ишлашдир. Бунда метан миқдори юқори бўлгани учун биогаз ёнади. Бундай табиий қайта ишлашдан кейин органик масса зарарсизлантирилган сифатли ўғитга айланади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Ўзбекистон микросида бир йилда 100 млн. тонна атрофидида саноат чиқиндиси, 30 млн. куб метр маиший чиқинди "ишлаб чиқилади". Уларнинг асосий қисмини қайта ишлаб, фойда олиш мумкин. Маиший чиқиндиларнинг морфологик таркиби ўрганилганда, 5-10 фоиз қоғоз, 20-45 фоиз озиқ-овқат, 5-10 фоиз ёғоч, 3 фоиз



металл, 5-10 фоиз газлама, 2 фоиз чарм ва резина, 4 фоиз шиша ҳамда пластмасса махсулотлари чиқит-га ташланаётганлиги аниқланган. Ундан қолган чиқитдан биогаз ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

етақчи тармоғи бўлган энергетика соҳасига қўшимча энергия манбаи — биогаз ҳосил қилинади. Бу соҳадаги амалий ишлар натижаларига кўра, биогазнинг потенциали Ўзбекистон бўйича 8,9 млрд. куб метрдан ортиқ бўлиб, биогаз берувчи қурилмалар алоҳида хўжаликларни ёқилга ва юқори самарали экологик тоза ўғитлар билан таъминлаш мумкин.



Мазкур биогаз қурилмасининг макети инновацион лойиҳа сифатида "Ўзэкспо-марказ"да ўтказилган "Инновацион гўялар, технологиялар ва лойиҳалар" V ва VI Республика ярмаркаларида ва ҳудудий саноат ярмаркаларида ҳамда "Энергетика" ва "Агротех" халқаро кўргазмаларида намойиш этилди. Ушбу лойиҳа барча иштирокчи-

ларда катта қизиқиш уйғотганини эътироф этиш жоиз.

Ушбу қурилмани ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали нафақат республикамизнинг табиий газ ресурсларини тежашимиз, балки чекка ҳудудлардаги аҳоли пунктларини муқобил энергия билан таъминлаш, қолаверса, биогазнинг атроф-муҳитга таъсири камлиги сабабли

Биогаз қурилмасини шу кунларда "Ўзбекэнерго" ДАКнинг Хоразм вилоятидаги электр тармоқлари корхонасига қарашли қоромол фермасига ўрна-тиш учун қурилиш ишлари бошланган. Ўз навбатида, халқ депутатлари вилоят Кенгаши "Экосан" халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эълон қилган танловда иштирок этиб, "Муқобил энергия манбаларида фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари" номли китобни тайёрлаш ҳамда чоп этириш бўйича давлат грантига сазовор бўлди. Айни пайтада бу борада илмий-амалий фаолият бошлаб юборилди.

Шу маънода, қайта тикланувчи энергия манбаларини самарали ўзлаштириш табиий бойликларимизни келгуси авлод учун асраш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтада бу қишлоқларнинг энергетик инфратузилмасини тараққий эттиришга ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришга ҳисса қўшади, углеводород ресурсларини тежаш имкониятини яратди. Бу пировардида мамлакатимиз иқтисодийётининг янада ривожланишига хизмат қилади.

Шу маънода, қайта тикланувчи энергия манбаларини самарали ўзлаштириш табиий бойликларимизни келгуси авлод учун асраш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтада бу қишлоқларнинг энергетик инфратузилмасини тараққий эттиришга ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришга ҳисса қўшади, углеводород ресурсларини тежаш имкониятини яратди. Бу пировардида мамлакатимиз иқтисодийётининг янада ривожланишига хизмат қилади.

К. ШОДИМЕТОВ, иқтисод фанлари номзоди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Буюк Британияда ишсизлик даражаси охиригигача тўрт йил ичидаги энг паст кўрсаткичга тушган.

Бандлик даражаси ошмоқда



“Евроњо” телеканали хабарига қараганда, август — октябрь ойларида мамлакатдаги меҳнат биржаларида иш сўраб мурожаат қилганлар сони тўқсон тўққиз минг кишигача қамайган. Натижада умумий ишсизлик даражаси 7,6 фоиздан 7,4 фоизга пасайган. Бундан ташқари, ўтган уч ой мобайнида 250 минг кишининг бандлиги таъминланган. Бу ҳам сўнгги уч йилдаги энг яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Эътирозга нима сабаб?

Европа Иттифоқи Италияга нисбатан кескин чоралар кўриши мумкин.

Бунга мамлакатнинг Лампедуза оролида муҳожирларга жуда ёмон муносабатда бўлгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Яъни ушбу оролдаги марказга келтирилган муҳожирларни камситиш ҳамда устидан кулиш каби ноинсоний хатти-ҳаракатлар акс эттирилган лавҳалар кенг тарқалган. Бу эса Европа Иттифоқи ташкилотларининг жиддий эътирозига олиб бормоқда.

зани келтириб чиқарди. Ҳозир мазкур иш юзасидан Агриженто шаҳри прокуратураси тергов ҳаракатларини олиб бормоқда.

Европа Иттифоқининг ташқи ишлар бўйича комиссари Сесилия Мальмстремнинг айтишича, бу ҳолат ўз тасдиғини топса, Италия ташкилот фондлари берадиган турли ёрдамлардан маҳрум этилиши мумкин.

Резолюция қабул қилинди

Эндиликда интернет ва бошқа электрон коммуникация воситаларидан фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари махсус ҳужжат билан ҳимояланади.



Худди шу мазмундаги резолюция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинди.

Манбага кўра, уни қонуний кучга киритиш

таклифини Бразилия ва Германия мамлакатлари илгари сурган. Бунга АҚШ Миллий хавфсизлик хизмати дунё бўйича миллионлаб кишиларнинг шахсий телефон орқали сўзлашувларини эшитиб боргани ҳақидаги хабарлар тарқалгани сабаб бўлган.

Шундан сўнг АҚШ Федерал суди телефон сўзлашувларини оммавий равишда эшитиш АҚШ конституциясига зидлиги ҳақида қарор чиқарган эди.

Табиат инжиқликлари

Ирландия ғарбига кириб келган кучли шамол бир қатор кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлди.

Бу ерда шамолнинг тезлиги соатига 150 метргача етган. Натижада ўн беш мингдан орტიқ хонадон электр энергияси таъминотидан узилиб қолган. Автоҳалокатлар сони ошиши оқибатида бир киши ҳаётдан кўз юмган.

сига зарар етди. “Дублин — Корк” йўналишида поездлар ҳаракати вақтинча тўхтаб қолди.

Ҳукумат фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фавқулодда хизматларнинг шайлигини оширган. Негаки, метеорология хизмати кучли шамол яна бир неча кун қузатилиши эҳтимоли борлигини маълум қилган.

Мамлакат жанубидаги Корк оролида эса шиддатли шамол туфайли темир йўл станцияси бино-

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИСЛОҲОТ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ ҳамда бошқа тўловлар борасида имтиёзлар берилаётгани, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани ушбу соҳанинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Имтиёз, имконият, самара

Намангандаги “Намимпекс-текстиль” масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга ёрқин мисолдир.

Бундан икки йил аввал шаҳар марказидаги қурилиш тугалланмаган тўрт қаватли бино Вазиirlар Маҳкамасининг махсус қарорига мувофиқ, инвестиция киритиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шарти билан “ноль” қийматида жамият тасаруфига ўтказиб берилган эди. Унинг мутасадди ҳамда мутахассислари тез орада иншоот қурилишини ниҳоясига етказиб, замонавий тўқимачилик мажмуасини қуриш юзасидан тайёрланган бизнес лойиҳани амалга оширишди. Янги корхонага эса жажоннинг ри-

вожланган мамлакатларида ишлаб чиқарилган илгор технологиялар ўрнатилди.

— Бош корхонамизнинг тантанали очилиш маросими истиқлолимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида бўлиб ўтган эди, — дейди МЧЖ директори Адҳамжон Аҳмад-жонов. — Узоқ-яқиндан келган меҳмонларда бу ерда 16,4 миллиард сўм миқдоридagi инвестиция эвазига барпо этилган йирик санoат корхонаси, хусусан, замонавий технология, ишчилар учун яратилган шарт-шароитлар катта таассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, бугун тўрт қаватли муҳташам бинонинг биринчи қаватида замонавий маийши хизмат

кўрсатиш мажмуаси фаолият кўрсатаятган бўлса, юқори қаватларда йиғирув ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари жойлашган. Корхонада, бизнес лойиҳада кўзда тутилганидек, ишлаб чиқарилган пахта толасидан йилга 3900 тоннагача калава ип, 1,2 миллион донадан зиёд кийим-

ли компьютер ёрдамида бошқарилади. Меҳнат жамоасини шакллантиришда масаланинг айтиш кий хизмати эътиборга олинган, касб-хунар коллежларини битирган ёшлар сараланди. Янги мажмуада 200 дан зиёд иш ўрни яратилган-да.

— Бу корхонанинг ишига тўширилиши биз, ўрта бўғин мутахассис-

фати ва харидорлиги кўпроқ ўзига боғлиқлигини чуқур ҳис этган мутахассис ҳар бир модель устида кунт билан ишлайди. Азимжон Олимжон, Салоҳиддин Паргибоев сингари интилувчан ёшлар тўғрисида ҳам ана шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

Ҳозирги кунда “Намимпекс-текстиль”да қувватларни ўзлаштириш жараёни қизгин кечмоқда. Бунда маҳсулотни нафақат ички бозор, балки экспортга йўналтириш юзасидан ишлаб чиқилган режалар ҳам босқичма-босқич амалга ошириляптир. Жумладан, калава ипнинг асосий қисми хорижга жўнатиляётган бўлса, трикотаж маҳсулотларининг ҳар бир туридан минг донаси саноат учун чет элдан бўлажак ҳамкорларга юборилди. Қувонарлиси, бюртмалар портфелига дастлабки хорижий шартномалар ҳам келиб туша бошлади.

Буларнинг барчаси янги корхонанинг истиқболли порлоқ эканидан, унинг “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остидаги маҳсулотлари жаҳон бозоридан мустақам ўрин эгаллашдан далолат беради.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР ОЧМОҚДА!

TOHKEHT – BOЛГOГPAД – TOHKEHT
ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари

YРГAHCЧ – BOЛГOГPAД – YРГAHCЧ
ҳар ҳафтанинг шанба кунлари

Сертификат № СЭ1-О

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!

+99871 140-02-00
www.uzairways.com

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 21 январь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 2 сентябрдаги 1-4382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор Д20 квартал, 15-уйда жойлашган, умумий майдони 66 кв.м бўлган бир қаватли офис.
Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.

2014 йил 14 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:

* Суд қарорларини ижро этиш департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳўнчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836,0 кв.м., уч қаватли бино биринчи қаватининг бир қисмида жойлашган маийши хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 1 506 820 000 сўм.

II. Ҳамза тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Ҳамза тумани судининг 2011 йил 26 декабрдаги 1-805/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий майдони 536 кв.м. бўлган, икки қаватли ертўлали бино (тўй либослари дўкони).
Бошланғич баҳоси — 1 859 800 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шохимардон кўчаси, 84-уйда жойлашган, умумий майдони 1080 кв.м. бўлган, бир қаватли, 4 та бино ва битта иншоот ҳамда битта ёрдамчи иншоотдан иборат кўчмас мулк.
Бошланғич баҳоси — 1 714 061 000 сўм.

III. Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан савдога такроран қўйилмоқда:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 кв.м. бўлган, икки қаватли ертўлали бино.
Бошланғич баҳоси — 674 653 602 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Барака кўчаси, 126-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган, икки қаватли тураржой.
Бошланғич баҳоси — 337 682 696 сўм.

3. Фуқаролик ишлари бўйича Миробод тумани судининг 2013 йил 22 апрелдаги 1/274/2565/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Саида Зуннунова кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 491,15 кв.м. бўлган тураржой.
Бошланғич баҳоси — 49 750 000 сўм.

IV. Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани судининг 2012 йил 10 майдаги 1-74/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шохжаҳон кўчасида жойлашган, умумий майдони 92,0 кв.м., фойдаланиш майдони 79,5 кв.м. бўлган, бир қаватли, 13, 14, 15, 16, 17, 18-сонли олти та савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 77 225 016,37 сўм.

V. Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар ҳужалик судининг 2013 йил 4 мартдаги 10-1308/3053-Б-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда савдога такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 4 887,0 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган 8 қаватли бино.
Бошланғич баҳоси — 1 984 187 340 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий майдони 463,0 кв.м. бўлган, 0001 литердаги, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми.
Бошланғич баҳоси — 238 338 450 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчасида жойлашган, умумий майдони 340,0 кв.м. бўлган, 0002 литердаги, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми.
Бошланғич баҳоси — 183 255 210 сўм.

4. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Меҳриғиё кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 257,0 кв.м. бўлган, 0002 литердаги, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми.
Бошланғич баҳоси — 127 690 020 сўм.

5. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Меҳриғиё кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 257,0 кв.м. бўлган, 0003 литердаги, 8 қаватли бинонинг ертўла қисми.
Бошланғич баҳоси — 127 690 020 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишидан бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

МЧЖ «KRANTAS» шартнома асосида ишлаб чиқаради ва сотади:

БЕНЗОВОЗ
«SUZU», «KAMAZ» шассисида

АВТОЦИСТЕРНАЛАР-ВОДОВОЗ
«SUZU», «KAMAZ» шассисида

ВАХТА УЧУН АВТОБУС
«KAMAZ» шассисида (6x6) 20-24 одамга

СУВ СЕПАДИГАН МАШИНА
«SUZU», «KAMAZ» шассисида

(8-371) 262-63-45, т/ф 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 808-88-17. www.ttemz-kran.uz

ООО «CRANES & SPECIAL TRUCKS» ишлаб чиқаради ва сотади:

АВТОКРАНЛАР юк кўтариши 16 т., 25 т., 32 т., 50 т.

САМОСВАЛЛАР «HOWO SINCRUCK» шассисида, юк кўтариши 20 т., 25 т.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЛАР «SUZU», «KAMAZ» шассисида, юк кўтариши 2,6 т., 5,3 т.

Телефонлар:
(8-371) 262-63-45,
тел./факс: 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 808-88-17.

www.ttemz-kran.uz

ВОЛЕЙБОЛ

Оммавий спорт турлари орасида кўпчилик катта қизиқиш билан шуғулланадиган волейболнинг алоҳида жозибаси бор. Унда ўйинчилардан ўзига хос эгичлик, заковат, маҳорат ва аниқлик талаб этилади. Шунда ҳар бир баҳс мазмунли кечади, томошабин олам-олам завқ олади.



ларнинг яратиб берилётгани, — дейди мураббий. — Шу асосда мамлакатимизда спортга бўлган қизиқиш ортиб борапти ва бу самараларини бермоқда. Давлатимиз раҳбари асос солган уч босқичли тизим — “Умид нихоллари”, “Баркамол авлод” ҳамда Универсиада спорт мусобақалари ёш авлодни ҳар томонлама соғлом қилиб вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этаётди. Бундан ташқари, машғулотларни тизимли ўтказиш учун барча имконият мавжуд. Қизларимизга катта ишонч

ШИЖОАТ, ЗАКОВАТ ВА МАҲОРАТ УЙҒУНЛИГИ

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида мазкур спорт турига меҳр кўйганлар сафи анча кенгайди. Бугун ҳудуддаги кўплай спорт мажмуалари, заллари, маҳаллаларда турли беллашувлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Ана шу жараёнда муайян тажриба ортириван, истеъдоди сайқал топган ёшлар эндиликда нуфузли мусобақаларда дадил катнашиб, қатор муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Эътиборли жиҳати, улар орасида қизлар кўпчиликини ташкил қилади. Масалан, айна пайтда “Хоразмколлекж” юртимиздаги энг кучли волейболчи қизлар жамоаси ҳисобланади. Бундан ўн бир йил муқаддам Урганч олимпия захиралари коллежи қошида ташкил этилган ушбу жамоа вакиллари мамлакат биринчиликлари, “Баркамол авлод” спорт ўйинларида муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Улар 2010 йилда волейбол бўйича Наманган шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида голибликка эришишган бўлса, ана шу йили Фарғонада спорт коллежлари ўртасида уюштирилган мамлакат биринчилигида ҳам муваффақият қозонишди. Ҳар йили олий лига ўйинларида катна-

шаётган бу спортчи қизлар, мана, саккиз йилдирки, совриндорлар қаторидан жой олиб келишаётди. Жорий йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида ўсмир қизлар ўртасида ўтказилган навбатдаги Ўзбекистон чемпионатида “Хоразмколлекж” жамоаси 37 очко тўплаб, маҳорат ва тажриба бобида бўшқалардан кучлироқ эканликларини яна бир бор исботлашди. Ушбу натижа туфайли жамоанинг тўрт нафар аъзоси олий ўқув юртига имтиёзга қабул қилинди. Июнь ойида бўлиб ўтган қизлар ўртасида олий лига ўйинларида учинчи, Ўзбекистон кубоги мусобақаларида эса иккинчи ўринни эгаллашди. “Хоразмколлекж”нинг шижоатли қизларидан ўн нафари Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси ҳисобланади. Қолаверса, ўн нафари биринчи тоифали спортчи, қолганлари эса спорт усталлигига номзод саналади. Спортда ютуқларни кўпайтириб, хоразмликларнинг фахрига айланган бу терма жамоага олий тоифали мураббий Санамжон Примова устозлик қилиб келмоқда. У дастлаб Урганч туманидаги 7-умумтаълим мактабида болаларга жисмоний тарбия дарсидан 21 йил сабоқ берган. Ҳозир эса Урганч олимпия

захиралари коллежида меҳнат фаолиятини давом эттираяпти. Волейбол бўйича коллежда ташкил қилинган тўғарақда у бошчилигида олиб борилаётган машғулотларда 100 нафардан ортиқ қиз шуғулланаёпти. Умуман, вилоятнинг барча туманларида волейболни севиб ўйнайдиганлар сафи кенгайиб бораёпти. Шунга яраша жамоалар сони ҳам кўп. Айниқса, Кўшкўпир, Урганч ва Богот туманларида ушбу спорт турига меҳр кўйган қизлар талайгина. Санамжон Примова ана шу туманларга тез-тез бориб, машғуллотлар ўтказишда, истеъдодларни излайди. Ундан ўз жамоаси эришаётган ютуқлар омилири ҳақида сўрадик. — Президентимиз томонидан болалар спортига қаратилган юксак эътибор ва ғамхўрлик, жумладан, замонавий шарт-шароит-

билдириб, ғалабага бўлган интилишларини мустаҳкамлаб, руҳлантириб туриш, улар билан тил топиша олиш ҳам керак. Иккитори қизларни аниқлаб, улар орасидан моҳир ўйинчиларни тарбиялаш борасидаги ишлар тақомиллаштирилаётгани, республика миқёсида волейбол мусобақалари сони ортгани, ёшлар ўртасида биринчи лига ўйинлари ташкил этилгани, халқаро хотира турнири ўтказилаётгани ҳам ютуқларни кўпайтириш, волейболни оммалаштириш ва янги истеъдодларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Олдимизда муҳим мусобақалар бор. Жумладан, 2014 йилда Наманганда “Баркамол авлод” спорт ўйинлари ўтказилади ва биз ҳозирданок унга астойдил тайёргарлик кўраяпмиз. Мақсадимиз — муваффақиятларимизни янада мустаҳкамлаш.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган сиёсат ҳар бир ҳудудда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, спорт — соғлом авлод, соғлом келажақ деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Миллий ҒОЯ тарғиботи

Навоий шаҳрида миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада оширишга бағишланган республика ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди.

СЕМИНАР

Унда сўзга чиққанлар ёшларимиз онгидан миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, кадриятларимизга ҳурмат ҳиссини синдириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда турли ахборот хуружларидан муҳофаза қилиш борасида қилинаётган ишларга алоҳида тўхтадилар.

— Ёт таъсирлар, маънавий таҳдидлар, турли хавф-хатарлар бизни огохликка ундайди, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Навоий вилояти бўлими бош мутахассиси Гулноза Шерматова. — Мустақил фикрга, собит эътиқодига, мустаҳкам иродага эга бўлган одамгина ташқаридан келатган ҳар қандай тазйиқларга бардош бера олади. Мазкур тадбирда ана шу мавзу хусусида сўз юритиб, ўзаро тажриба алмашдик.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАРАЁН

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг қарорига асосан, шу йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача мамлакатимизда “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилди. Мазкур муҳим тадбирни намунали ташкил этиш мақсадида, жумладан, Қашқадарё вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Кенг қамровли тадбирлар натижаси

Айтиш жоизки, бу борда асосий эътибор ёнғинларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилди. Шу мақсадда мутахассислар ва маҳалла фаолларидан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил қилиниб, уларга махсус жиҳозланган тарғибот автобуси ажратилди. Йирик корхона, муассаса, ташкилотлар, маҳаллалар ва таълим муассасаларида ўтказилган учрашувларда ёнғин хавфсизлиги қондалари, ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатлар, унинг оқибатлари кўргазмалар воситалари, видео-вақчалар орқали атрофда тушунтирилди. Аҳоли гавжум жойлар, марказий кўчаларга жойлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қондалари ҳамда талабларини тарғибот этувчи 172 баннер, аҳолига тарқатиш мақсадида ишлаб чиқарилган 15 турдаги 22 минг нусха рангли плакат ва эслатма ҳам олий самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Утган йили бошқарманининг Ёнғин техник марказида ихтисослаштирилган музей ташкил этилган эди. Ушбу музей фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида бу ерга ҳар кун мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ташриф буюриб, ёнғин хавфсизлигига оид билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашмоқда. Ойлик давомида 1170 корхона, ташкилот ва муассаса, 216 минг 357 аҳоли тураржойи ва 918 кўп қаватли уй ҳамда улардаги хонадонларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларига тақ-

димномалар киритилди. Ёнғин чикиш хавфи бўлган алоҳида омборхона, бино ва иншоотлар аниқланиб, улардан фойдаланиш вақтинча тўхтатилди, 186 ҳолатда носоз электр, газ мосламаларини ишлатиш тақиқлаб қўйилди. Шунингдек, аҳоли хонадонларининг қишқи мавсумида ишлатиш ва ёритиш манбалари билан таъминланиш даражаси, уй-жойларнинг ёнғинга қарши ҳолати чуқур ўрганилиб, носоз газ плитаси ва электр асбоб-ускуналари, ёнғин ҳолатлари бартараф этилмоқда. Бундай чора-тадбирлар ўз самарасини бераёпти. Ойлик давомида вилоят ҳудудида содир этилган ёнғинлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан йигирма биттага камайгани, оловдан қуийиш, тан жароҳати олиш ҳолатлари умуман қайд этилмагани фикримиз тасдиқидир. Албатта, бундай натижаларга эришишда нафақат соҳа ходимлари, шу билан бирга, жамоатчилик вакиллари, корхона ва ташкилотлар мутасаддиларининг ҳам алоҳида ҳиссаси борлигини қайд этиш жоиз.

Кенг қамровли тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” якунлангани билан тўхтаб қолмайди, балки мунтазам давом эттирилади. Шундай экан, ҳар биримиз ёнғинга қарши курашишга ўз ҳиссамизни қўшимиз мумкин. Бунинг учун ўз уйимиз, иш жойимиз ёки кўча-кўйда ёнғин хавфсизлиги қондаларига рияз этсак, кифоя.

Фарход МИРЗАЕВ, Қашқадарё вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари, подполковник.

Хунарни кам бўлмас

“Хунарманд” уюшмаси Наманган вилояти бошқармасининг ёшлар ўртасида миллий хунармандчилик сир-асрорларини тарғиб этишга йўналтирилган лойиҳаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг грантига сазовор бўлди.



ИЗЛАНИШ

Айни кунларда Наманган шаҳри ва Янгиқўрғон туманидаги хотин-қизларни миллий қўғирчоқ ясаш ҳамда либослар бичиш ва дизайнлик соҳаларига ўргатиш мавзусидаги ушбу лойиҳа ижросига киришилди. Жумладан, уюшма аъзолари Нозима Абдусаматова ҳамда Гулнора Курбонова раҳбарлигида 30 нафар аёл касбга йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда уюшма ташаббуси билан вилоятдаги тажрибали хунармандларнинг устоналари негизда ташкил этилган 192 та “Устоз — шогирд” мактабида 507 нафар ёш халқ ихидиёти анъаналарини катта иштиёқ билан ўрганаётди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙЛИК

Сирдарё вилояти давлат архивида 40 минг саҳифадан иборат ҳужжатларнинг электрон нусхаси яратилди. Эътиборлиси, эндиликда электрон дискларга жойлаштирилган ушбу маълумотларни уч юз йилгача сақлаш мумкин.

Архив ҳужжатлари — электрон нусхада

Айни чоғда архив материаллари компьютер хотирасига ҳам киритилди. Бу янгилик тизим ходимларига ҳам, мазкур муассасага мурожаат қилувчиларга ҳам катта қўлайлик яратди.

— Ҳужжатларни электрон кўринишга келтиришни энг қўнра архив материалларидан бошлагандик, — дейди Сирдарё вилояти давлат архиви директори Муҳиддин Бекмуродов. — Келгу-

сида интернетда ўз сайтимизни очишни режалаштираёямиз. Натижада архив ҳужжатлари билан интернет орқали танишиш имконияти ҳам юзага келади. Умуман, архив жамоаси 400 та фонддаги 160 мингтадан зиёд ҳужжатларнинг барчасини электрон кўринишга келтиришни режалаштирмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига! «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

мулк бошланғич баҳоси боёқчима-боёқчи ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилди.

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2013 йил 11 декабрдаги 1-441-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро вилояти, Когон тумани, «Туткунани, «Қўй ҳудудида жойлашган, «Арометал» ҚК МЧЖ балансида мавжуд бўлган асосий воситалар, ускуналар ва бино-иншоотлар мажмуаси қўйилмоқда.

- Бошланғич баҳоси — 256 659 507 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 21 январь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мазкур кўчмас мулк 2014 йил 21 январдаги кимовши савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 6 февраль кунини соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади. Мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» маъюрияли чекланган жамиятига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: ● уқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза; ● савдо ташкилотчисининг ОАТБ «Хамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966, СТИР: 302097424, 2020800004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси; ● талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси; Мазкур мулклар қуйидаги шарт асосида сотилади: харидор савдо ўтказиш кунда суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулклар учун тўловни амалга ошириши шарт. Мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Кўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Shad savdo zamin» МЧЖ. Телефонлар: (8-365) 221-51-62, (+99894) 248-48-65. Лицензия RR-0048.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 24 январь кунини соат 14.00 да бошланғич баҳоси боёқчима-боёқчи ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк такроран арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда:

1. Қувасой шаҳар СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2012 йил 24 декабрдаги 10-12-14/21970-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, 3. Ҳасанов кўчаси, 48-уйда жойлашган, 0002-литерда омборхона, 0005-литерда ховуз, 0007-литерда ховуз, 0009-литердаги девордан иборат бўлган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 47 614 832 сўм. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 22 январь кунини соат 17.00 да тўхтатилади.
- 2014 йил 10 январь кунини соат 14.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран арзонлаштирилган нархларда қўйилмоқда:
- II. Учкўприк тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти

ҳўжалик судининг 2012 йил 18 июлдаги 15-12-03/13325-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Учкўприк тумани, «Учкўприк» ҚФЙ, Учкўприк қишлоғида жойлашган, «DNM» хусусий агрофирмасига тегишли, қурилиш ости майдони 776,2 кв.м., фойдаланиш майдони 1 064,32 кв.м. бўлган, 0025-0029 литерлардаги сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси бино-иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 405 000 000 сўм.

- III. Қува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 30 июндаги 15-10-02/14200-сонли ва 2010 йил 26 июлдаги 10-07/12156-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Қувадонмаҳсулотлари» ОАЖга тегишли: 1. Қува тумани, Қува шаҳри, «М. Ҳасанов» МФЙда жойлашган, «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир тикувчилик хонаси), умумий майдони 51,04 кв.м. бўлган хонадон. Бошланғич баҳоси — 6 143 209 сўм.
2. Қува тумани, Қува шаҳри, «М. Ҳасанов» МФЙда жойлашган, «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир сартарошхона), умумий майдони 11,76 кв.м. бўлган хонадон. Бошланғич баҳоси — 4 472 327 сўм.
3. Қува тумани, Қува шаҳри, «М. Ҳасанов» МФЙда жойлашган, «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир дорихона), умумий майдони 103,24 кв.м. бўлган хонадон. Бошланғич баҳоси — 21 311 215 сўм.
4. Қува тумани, Қува шаҳри, «М. Ҳасанов» МФЙда

жойлашган, «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир дорихона), умумий майдони 57,97 кв.м. бўлган хонадон. Бошланғич баҳоси — 7 140 018 сўм.- 5. Қува тумани, Қува шаҳри, «М. Ҳасанов» МФЙда жойлашган, «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир даволаш маскани), умумий майдони 197,46 кв.м. бўлган тураржой. Бошланғич баҳоси — 24 100 868 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 8 январь кунини соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини беш банк кунини давомида тўлиқ тўлаши керак.

Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурхонийдин Марғинович кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59. Лицензия: № RR-0017.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси талабалар тураржойи мудири Муҳаббат Тожиевага волида муҳтарамаси МАСЛАМОЙ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихроф этади.

Тошкент давлат иқтисодий университети ректорати ва касба уюшма қўмитаси Иқтисодий назарияси кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, тарих фанлари доктори Абдухалил Абдухалилович РАЗЗОҚОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихроф этади.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — О. Файзиев. Мусаҳҳах — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5